ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 22 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 167 (13.230)

Баҳоси эркин нархда

ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ШАҲОБИДДИН ЗОИРОВ ВА ФАЗЛИДДИН ҒОИБНАЗАРОВ – ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ!

Фахр



Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида якунланаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида том маънода Ўзбекистон куни бўлди, дея қувонч билан дилдан фахрланамиз. Бокс бўйича 52 ва 64 килограммгача вазнларда икки нафар юртдошимиз финал баҳсида олтин нишонларни қўлга киритишди, яна икки курашчимиз бронза нишонлари соҳиби бўлишди.







Дастлаб рингга терма жамоамизнинг етакчи вакилларидан бири Шаҳобиддин Зоиров чиқди. У россиялик Миша Алоянга ҳеч қандай имконият қолдирмагани ҳолда ажойиб ғалабага эришди. Бунда Шаҳобиддин айниқса 2 ва 3-раундларни яққол устунлик билан ўтказди.

Яна бир тажрибали чарм қўлқоп устамиз Фазлиддин Ғоибназаров 64 килограммгача вазнда озарбойжонлик Лорензо Коллазо Сотамайор билан ҳал қилувчи баҳсни ўтказиш учун рингга чиқди. Ҳар иккала боксчи маҳорат бобида бир-бирига яқин бўлгани туфайли баҳс шиддатли тус олди. Бироқ, Фазлиддиннинг берган кўплаб аниқ зарбалари учрашув тақдирини ҳал қилди ва шу куни ўзбекистонлик спортчининг ғалабаси шарафига иккинчи бор мадҳиямиз янграб, байроғимиз хилпиради.

Бир оз олдинроқ эса ёш бўлса-да кўплаб нуфузли ғалабаларни қўлга киритган яна бир боксчимиз Бектемир Меликўзиев кескин ва муросасиз беллашувда кубалик Арлен Лопезга баҳсни бой бериб, кумуш нишон соҳиби бўлган эди.

Кеча, шунингдек, эркин курашчиларимиз ҳам яхши натижалар кўрсатиб, мухлислари дилларини шод этишди. Чунончи, 65 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида Ихтиёр Наврўзов, 97 килограммгача курашчилар ўртасида Магомед Ибрагимовлар терма жамоамиз жамғармасига ўз бронза медаллари билан муносиб улуш қўшдилар.

Айни пайтда Ўзбекистон спортчилари 4 олтин, 2 кумуш ва 7 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 21-ўринни банд этишди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон спорт делегацияси жами 207 та мамлакат спортчилари иштирок этаётган Олимпиада ўйинларида Осиё давлатлари орасида тўртинчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгалладилар.

ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Анъанавий ўтказиб келинаётган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларнинг моҳиятини оддий, ҳаётий мисолларда очиб бериш, фаол ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бу йилги танловга тақдим этилган ишларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя ўз аксини топган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" танловининг жорий йилги ғолибларини тақдирлаш маросимида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавият тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Журналистлар ижодий уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, иқтидорини тўла намоён этиши, одамлар қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини бойитувчи юксак бадиий асарлар яратиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий чора-тадбирлар, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг мустақил бўлишини таъминламоқда.

Миллий адабиёт, маданият ва санъатимизни равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, истиқлол йилларида маънавий-маърифий жабҳаларда эришган ютуқларимизни жаҳонга намоён этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзуида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда сенаторлар, депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, илмий доира вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тараққиёт йўли белгилаб олинганини таъкидлади. Бу жараёнда инсон манфаатларига хизмат қиладиган қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган демократик миллий парламент шаклантирилди. Давлат ҳокимияти органлари тизимида унинг роли ва таъсири кучайтирилди.

Дастлаб, бир палатали парламент ёш давлатимизнинг демократик сиёсий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини яратишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, халқимизнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизимига ҳуқуқий замин яратилди.

Дунёда "ўзбек модели" дея эътироф этилган ривожланиш стратегияси асосида давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган демократик ислоҳотлар 2000 йилга келиб, мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш учун шарт-шароит яратди.

(Давоми 2-бетда)

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Фарғона вилоятининг Бувайда туманида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида тумандаги ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Бир гуруҳ хотин-қизларга электр маиший техника жиҳозлари, санаторийга йўлланмалар топширилди.**

● **Каттақўрғон тумани "Мўминхўжа" маҳалласида бунёд этилган замонавий маҳалла маркази қишлоқ аҳли учун ана шундай байрам туҳфаси бўлди. "Мўминхўжа" маҳалла фуқаролар йиғини биноси, қишлоқ врачлик пункти, нуронийлар чойхонаси, новвойхона, музқаймоқ павильони, минифутбол стадиони, "Гўзаллик салони", дорихона ва савдо дўконларидан иборат марказнинг очилиш маросимида истиқлол туфайли ҳаётимизда рўй бераётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида сўз юритилди.**

● **Навоийда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида футбол бўйича қизлар ўртасида "Яшил майдон маликалари" мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

● **Жиззахда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" мавзусида расмлар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада ёш ижодкорларнинг истиқлол йилларида ижтимоий, иқтисодий, спорт, маданият ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари тасвирланган турли жанрлардаги расмлари намойиш этилди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида ижтимоий дорихона иш бошлади. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур дорихона аҳолига сифатли ва арзон дори воситалари етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.**

ЖАҲОНДА

● **Кеча Буюк Британияда балиқ овлайдиган кемадан қиймати 100 миллион доллардан ортиқ бўлган бир тонна атрофида кокаин гиёҳвандлик моддаси топилди. Ҳозирда масалага ойдинлик киритиш учун кемани бошқараётган уч нафар киши ҳибсга олинган.**

● **Хитой квантли коммуникациялар учун дунёдаги биринчи сунъий йўлдошни муваффақиятли орбитага олиб чиқди. Ҳозирча квантли алоқа ҳакерлар ҳужумидан ҳоли ягона алоқа воситаси сифатида баҳоланмоқда. Дастлабки сунъий йўлдош қадимги Хитой файласуфи шарафига "Мо-Цзи" деб номланди.**

● **"Cebu Pacific Air" авиакомпаниясининг БААнинг Дубай шаҳридан Филипинга томон парвоз қилаётган самолёти салонида гўдак дунёга келди. Чақалоқни тажрибали шифокорлар назоратига олиши учун самолёт фавқулодда Ҳиндистонга қўнди. Шу муносабат билан авиакомпания самолёт бортида дунёга келган гўдакка умрбод бепул парвозларни совға қилди.**

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида икки палатали, мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал орган – Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи – Сенатдан иборат парламентни шакллантириш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Икки палатали парламент тизимига ўтилгани мамлакатимиз парламенти ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Конференцияда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси палаталарнинг фаолиятини янада кучайтиришга йўл очди. Шу асосда Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий Мажлиснинг, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ваколатларини кенгайтирди. Хусусан, Олий Мажлис ваколатларига Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида иккита партия фракцияси – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат "Демократик кучлар блоки" тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламент мухолифати фаолият кўрсатаётир.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янгича услубда ташкил этиш, унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Маърузада белгилаб берилган устувор йўналишлар Қонунчилик палатасининг яқин ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режаларига асос бўлди.

Конференцияда мамлакатимиз равнақини янада юксалтириш борасида парламент олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг самарали тизимини яратиш хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Экспертлар иштирокида ўтказилган конференция истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш имконини берди. Анжуман якунида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири



Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловига тақдим этилган ижодий ишларда бу яққол ифодасини топган.

Танловнинг мамлакат босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича 390 га яқин ижодкордан 4 минг иш қабул қилинди. Тақдим этилган асарларни баҳолашда уларда мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги айёми шукуҳи, ўтган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётгани, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳаққоний акс эттирган ижодкорлар ғолиб деб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод КАРИМОВ

ФАРОВОНЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонаси ватанпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган қатор маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Ташкилотдаги ишчи-ходимлар ва гуруҳ ўқувчилари иштирокида ўтказилган "Гўзал ва бетакрорим сан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам шулар жумласидан.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти мана бир неча йилдирки, ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири бўлган келажагимиз бўлмиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан эл севган санъаткор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов ва бошқалар мустақиллик олий неъматлиги, унга осонликча эришилмагани, тинчлик-хотиржамликда кечаётган турмушимизга шукрона келтиришимиз лозимлиги, шу қисқа вақт ичида юртимиз мисли кўрилмаган даражадаги ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанни севишга, унга сидқидилдан хизмат қилишга ундайдиган хислатларни сингдиришга ҳаммамиз масъул эканлигимиз алоҳида таъкидланди.

Зарина РУСТАМОВА

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Миллий матбуот марказида "Мустақиллик йилларида "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар" мавзусида брифинг ташкил этилди. Унда "Ўзэлтехсаноат" АК таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистонда истиқлол йилларида электротехника саноатининг вужудга келиши ва шаклланиш босқичлари, тармоқнинг бугунги кундаги ҳолати, республикада электротехника саноатини ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида маълумот берилди.

Таъкидландики, мустақиллик йилларида иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида саноатнинг алоҳида тармоғи сифатида электротехника саноати вужудга келди. Бугунги кунда мазкур тармоқ жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "2014 - 2018 йилларда республика электротехника саноатини янада ривожлантириш ва бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳани ривожлантиришда мутлақо янги босқични бошлаб берди. Қарорга мувофиқ "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси ташкил этилди.

1994 йилда тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш ҳажми 800 миллион сўмни ташкил этган ва республикадаги жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуш атиги 0,3 фоиз бўлган. 2005 йилга келиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 млрд. сўмга етди. Айни вақтда компания тизимида 50 га яқин корхоналар турли йўналишларда фаолият олиб бормоқда, булар – кабель, электроника, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналардир.

2015 йилда 1 триллион 300 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди, тармоқ корхоналари томонидан 1 триллион сўмдан ошиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот республиканинг турли соҳаларига, жумладан, энергетика, нефть ва газ, тоғ-кон саноатларига, ижтимоий соҳа объектларига етказиб берилди.

Брифингда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш натижасида маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли ўзгариб бораётгани қайд этилди. Бугунги кунда "Ўзэлтехсаноат" АК тизимида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 40 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Тадбирда тармоқда таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, замонавий электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш лозимлиги, бу борада ҳали фойдаланилмаётган заҳиралар ва имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Миллий матбуот марказида "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси томонидан мамлакатимизда чармпойабзал соҳасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар ва уларнинг самараларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЧАРМПОЙАБЗАЛ ТАРМОҒИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Шералиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида чармпойабзал, чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар истиқлол йилларида мамлакатимизда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган мазкур саноат тармоғининг изчил ривожланишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 770 ишлаб чиқариш корхонаси ушбу йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан тери хомашёси қайта ишланиб, қўшимча қийматга эга пойабзал ва уларнинг тагликлари, чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

2000 йилда 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 484 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. 2000 йилда йиллик пойабзал ишлаб чиқариш ҳажми бир миллион беш минг жуфтни ташкил қилган бўлса, жорий йилда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ушбу рақамни 8 миллион 800 минг жуфтга етказишни режалаштирган.

Ҳар йили соҳа корхоналари томонидан 500 дан ортиқ пойабзал, 100 дан зиёд чарм-атторлик, 50 га яқин янги моделдаги чарм маҳсулотлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида саноат корхоналари ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда соҳага импорт қилинаётган саксон турдан зиёд хомашё, материал ҳамда тайёр маҳсулотлар маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Бу йилига 34-40 миллион долларлик маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Экспорт географияси кенгайиб, ҳозирги вақтда тармоқ маҳсулотлари Италия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон сингари ўндан зиёд мамлакатга экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг охиригача экспорт ҳажмини қарийб 200 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

– 2016-2020 йилларда тармоқда 82 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган, – дейди ЎзА мухбирига уюшма бошқарма бошлиғи М.Воҳидов. – Бу 2020 йилга бориб экспорт географиясини янада кенгайтириш, қўшимча қийматга эга, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳажми оширилишини таъминлайди. Хусусан, хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғини тайёр маҳсулотлар ташкил этади.

Матбуот анжуманида журналистлар саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фуқаролик жамиятининг асосий бўғини бўлган маҳалла институтининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Айни пайтда, аҳолига энг яқин бўлган анъанавий демократик бошқарув тизими сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилиб, жамият бошқаруви тизимидаги ўрни ва роли кучайиб бормоқда. Бугун фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли адо этиб келинмоқда.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда ўтган муҳим жараён, яъни, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳам демократик тамойиллар асосида тенглик ва ошкоралик руҳида, юқори савияда ўтди. Янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг малакасини ошириш, услубий ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда. "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури"да янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, малакасини ошириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Мазкур дастур асосида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда янги сайланган раис маслаҳатчилари — фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар раисларининг ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Тошкент педагогика коллежида "Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ишини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш тартиб-тамойиллари" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Чилонзор туман ҳокимлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳаётимизда маҳалла институтининг аҳамияти ва ўрнини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Шуни айтиш жоизки, пойтахтимиздаги 505 та маҳаллада 3050 та жамоатчилик комиссиялари раислари фаолият юритяпти, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими масъул котиби Наврўз Мусаев. — Уларнинг 1900 таси илк бор жамоатчилик комиссияси раиси сифатида иш бошлашгани ўз навбатида, уларнинг малакасини оширишни тақозо этади. Мазкур ўқув-семинар ана шундай комиссия раислари учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

Ўқув-семинарда мавзулар қамрови кенгайтирилиб, машғулотларни жонли ва қизиқарли ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди. Машғулотлар аввалида мутахассислар иштирокида маърузалар тингланди. Шундан сўнг машғулотлар баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ташкил этилди. Шунингдек, йиғин фаоллари ўзаро иш тажрибалари билан ўртоқлашишди.

* * *

Шу мавзудаги ўқув-семинар Шайхонтоҳур туманидаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда ҳам ўтказилди.

— Ўтказилган ўқув семинарларда фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари ишига маҳалла фаолларини кенг жалб этишнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда тартиб-таомиллари атрофлича тушунтириб берилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Шайхонтоҳур туман бўлинмаси раиси ўринбосари Жамолиддин Юсупов. — Шунингдек, ҳар бир комиссия раислари учун алоҳида жамоатчилик комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларнинг фуқаролар йиғини фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти, комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низомлар қоидалари асосида улар фаолиятининг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари мисоллар орқали очиб берилди.

Ўқув-семинарлари иштирокчиларининг фикрича, ўтказилган тадбирлар фуқаролар йиғини ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар раисларининг соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида тегишли тушунчаларга эга бўлишларида, келгусида комиссиялар ишини самарали ташкил этишда, жойларда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қизғин савол-жавоблар асосида ўтказилган ўқув-семинарларида комиссиялар раислари ўзларини соҳага оид қизиқтирган кўплаб саволларига атрофлича жавоб олдилар.

* * *

Мазкур мавзудаги семинар Бектемир туманидаги Республика радио ва телевидение касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилди. Тадбирда ҳудуддаги 12 та фуқаролар йиғинининг жамоатчилик комиссиялари раислари қатнашди.

Ўқув-семинарда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси, табиатни муҳофаза қилиш, солиқ, ички ишлар, адлия, меҳнат идораларининг масъул ходимлари фуқаролар йиғинлари қошидаги жамоатчилик комиссиялари раисларининг вазифалари ва йўналишларига оид маърузалари билан қатнашди.

Машғулотларда аҳолини иш билан таъминлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, осойишталик, ҳудуд озодалигини сақлаш ва тадбиркорлик йўналишини янада ривожлантириш бўйича зарур тавсиялар берилди. Ўқув-семинарни ўтказишда замонавий компьютер технологиялари ҳамда кўргазмали воситалардан кенг фойдаланилди.

* * *

Сергели туманидаги ўқув-семинар Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейда ташкил этилиб, унда тумандаги 39 та маҳаллада фаолият кўрсатаётган 234 нафар комиссия раиси иштирок этди.


Ўқув жараёнида соҳа мутахассислари замонавий шакл ва услублардан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Ўқув-семинар давомида иштирокчиларга ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан таклифлар бериш, ўзаро тажриба алмашиш имконияти яратилди. Қизғин мулоқотларда орттирилган билим ва кўникмалар комиссиялар раҳбарларига келгусида ўз иш фаолиятларини самарали ташкил этишда қўл келади.

Бундай ўқув-семинарлар пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ўрнида







Спорт янгиликлари





Ўзб олган суратлар

МУНОСИБЛАР ИШТИРОК ЭТДИ

Аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш маҳалла фаолларига катта масъулият юклайди. Анъанавий тарзда маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" республика мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилмоқда.

"Футболимиз келажаги" республика турнирининг шаҳар босқичи Бектемир туманидаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар мактабида бўлиб ўтди. Турнирда 33 та жамоа майдонга тушди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви етакчи мутахассиси Абдусамад Саидазимов. — Ёшларни спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида турли мусобақалар ташкил этиш орқали қизиқишларини рағбатлантириш бугун устувор йўналишга айланган. "Футболимиз келажаги" мусобақасида қатнашчилар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётгани жойларда унинг кўлами кенгайиб, ёшлар ўртасида миллионлар ўйини бўлган футболга қизиқиш кучаяётганидан далолат беради.

Мусобақаларнинг маҳаллалараро босқичларини ўтказиш учун "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлинмалари ҳисобидан 6,5 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 2,8 миллион сўм сарфланди. Тошкент шаҳар босқичида барча туманлардан 9-10, 11-12 ва 13-14 ёш тоифаларида ғолибликни қўлга киритган маҳалла футбол жамоалари ўзаро куч синашди.

Натижаларга кўра, 9-10 ёшли жамоалар ўртасида Миробод тумани "Билимдон" маҳалласи жамоаси, 11-12 ёшлилар ўртасида Олмазор туманидаги "Гуручариқ" маҳалласи жамоаси, 13-14 ёшлилар ўртасида Сергели тумани "Хонобод" маҳалласи жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа якунида совриндорлар ва фаол жамоаларга "Футболимиз келажаги" республика ташкилий қўмитасининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Замира РАҲМОНОВА

Қирғизистондаги "Bishkek Sunrise Open – 2016" халқаро турнирининг қизлар мусобақасида иштирок этаётган теннисчиларимиз ғалаба қозонмоқда.

ТЕННИСЧИ ҚИЗЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА

Таъкидлаш жоиз, биринчи даврада энг кескин ва муросасиз учрашувлардан бири ўзбекистонлик Мария Воробьева ҳамда қирғизистонлик Эмма Нургазиева ўртасида бўлди. Ушбу беллашувнинг биринчи сетида мезбон теннисчига 2:6 ҳисобида имкониятни бой берган вакиламиз ўз иродасини намойиш қилиб, мағлубиятдан қутилиб қолди. Қолган икки сетда ҳужумкор ўйин кўрсатган Мария 6:0, 7:5 ҳисобида зафар қучди.

Мазкур турнирда иштирок этаётган яна бир спортчимиз — Севил Йўлдошева ҳам бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди. Истеъдодли теннисчимиз дастлабки баҳсда арманистонлик Нарине Саргисян билан куч синашди. Ўйин ўзбекистонлик теннисчи устунлигида ўтди ва унда ҳамюртимиз 4:6, 6:1, 6:4 ҳисобида муваффақият қозонди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР КУЧ СИНАШАДИ

"Бунёдкор" футбол клуби ташаббуси билан ёш футболчиларнинг маҳоратини кўздан кечириш мақсадида мусобақа ўтказилмоқда.

Мазкур турнир 2002 йилда туғилган футболчилар ўртасида ташкил этилган бўлиб, унда "Бунёдкор-А" (Тошкент), "Насаф" (Қарши), "Машъал" (Муборак), "Шўртан" (Ғузор), "Навбаҳор" (Наманган) ва "Бунёдкор-Б" (Тошкент) жамоалари иштирок этмоқда. Ҳар бир жамоа бир-бирлари билан давра тизимида ўзаро учрашув ўтказади ва якунда очколар ҳисоблаб чиқилади. Энг кўп очко жамғарган жамоа эса мусобақа ғолиби деб эълон қилинади.

Беллашувлар "Бунёдкор" футбол мактаби майдонларида иштирокчи жамоаларга қулайлик яратиш ҳамда футболчилар ўз маҳоратларини тўлиқ намоён этишлари учун кечки салқинда бошланмоқда. Эътиборлиси, учрашувлар адолатли ва юксак савияда ўтиши учун баҳсларни бошқариб бориш вазифаси Республикамизнинг малакали ҳакамларига топширилган.

Ботир ХЎЖАЕВ

МАМЛАКАТИМИЗ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ УЛУШИ

Маълумки, ФИФА томонидан футбол ўйини қоидаларига ўзгартиришлар жорий йилдан киритилмоқда.

Миллионлар ўйини қоидаларини мутахассисларга, чарм тўп усталарига ўргатиш мақсадида ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорликларида семинарлар ташкил этиляпти. Бу тадбирларда мураббийларга, футболчиларга янги қоидалар ҳақида тўлиқ маълумот берилмоқда.

Яқинда ФИФА томонидан чоп этилган футбол ўйини қоидаларининг янги талқини рус тилида ҳам нашрдан чиқди. Ўйин қоидаларини рус тилига таржима қилишда россиялик мутахассислардан ташқари ўзбекистонлик, қирғизистонлик, туркманистонлик мутахассислар ҳам фаол иштирок этишгани таҳсинга лойиқ. Айниқса, янги қоидаларнинг рус тилидаги нашрини тайёрлашда ҳамюртимиз ФИФА рефериси Владислав Цейтлиннинг хизматлари катта бўлди.

Яқинда ФИФА томонидан пляж (соҳил) футболи бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Июль ойи якунларига кўра тузилган жадвалда Ўзбекистон терма жамоасига 56-ўрин насиб этди. Аввалги рўйхат якунида ҳам терма жамоамиз 56-поғонадан ўрин эгаллаган эди.

Осиё миқёсида эса терма жамоамиз 9-ўринга лойиқ кўрилган. Қитъа рейтингини Эрон терма жамоаси бошқараётган бўлса, жаҳон миқёсида Португалия карвонбошилик қилмоқда.

МУХЛИСЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Миллионлар ўйини – футболни ривожлантиришда клубларнинг маркетинг соҳасида ҳам фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Пахтакор" жамоаси клуби раҳбарияти хайрли ишга қўл урди. Яъни, клуб ташаббуси билан "Пахтакор" марказий стадиони ҳудудида "Пахтакор" дўкони яна ўз фаолиятини бошлади. Бир неча ой давом этган қисқа муддатли таътилдан сўнг қайта иш бошлаган дўконга ташриф буюрган мухлислар "Пахтакор" рамзлари акс эттирилган турли буюмларни, хусусан, жамоа футболкалари, бош кийимлари, шарфлари, сувенирлар ҳамда бошқа турдаги спорт маҳсулотларини харид қилишлари мумкин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Маълумки, ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз, қўлбола электр иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болалар катталар назоратидан четда қолиб олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади. Бу ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси аҳоли турар жойларида содир бўлишини эса бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши, десак адашмаган бўламиз.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказаётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб борилаётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бермоқда. Бу эса, олдимизга тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини қўяди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки жамиятимиздаги ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англата билиш мақсад сари қўйилган илк қадам дейиш мумкин.

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолаётгани уларга ёнғиннинг оқибатлари, бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтириш талаб этилади. Бола онгида ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлаётган нохуш ҳолатлар камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари, унинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли (сахналаштирилган) лавҳалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли турар жой бинолари хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши, ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ ёндошиш ва ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

М.ТУРСУНОВ,
12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант

* * *

Ёнғинлар натижасида кўриладиган моддий зарарлар катта ёки кичик бўлсада, инсон умрига бевақт нуқта қўйилиши, шунингдек, одамларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишлари, бу – тилсиз ёв келтирадиган офатларнинг энг аянчлисидир. Бугунги кунда ёнғинга қарши кураш, унинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Юртимизда жумладан, пойтахтимизда ҳам янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Қурилаётган бино ва иншоотлар, қурилиш майдонлари, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлашда ёнғин хавфсизлиги қоидалари меъёрий ҳужжати талабларига мувофиқ ташкиллаштириш талаб этилади.

Айниқса қурилишда электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорликни ошириш зарур. Фуқароларимиз турар жой ёки қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилишса ўз ҳаётлари, мол-мулкларини асраган бўлар эди.

Р.НИЁЗОВ,
12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ кичик инспектори, сержант

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад – аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш ва ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган ҳикмат ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона муассаса учун таллуқлидир.

Шундагина биз уйларимизни, иш ва ўқиш жойимизни, қолаверса ўзимиз ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Ғ.ИСАМБАЕВ,
ЁХБ инспектори кичик сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **23 август** куни вақти-вақти билан ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 16 июндаги қарори асосида берилган 10-1520/19101-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. ООО ПТФ "RUTA"га тегишли Миробод тумани м.Янги Қўйлиқ, У.Олимбеков кўчаси, 16/1-уйда жойлашган кўчмас мулк (Нотурар жой) биноси, маъмурий бино, ишлаб чиқариш цехи ва омбор (Блок А) 1.625.464.138 сўм, Умумий майдони 1374 кв.м, Қоровулхона ва айвон (Блок Б) 58.146.618 сўм, Умумий майдони 60 кв.м, Резервуар (Литер Г) 36.318.513 сўм. Умумий майдони 12 кв.м, объектнинг жойлашган ҳудуди коэффициенти ҳисоби билан бошланғич баҳоси 1.895.362.054 сўм.

"Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар Чилонзор филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 13 январдаги қарори асосида берилган №10-1410/20357-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1."АКОМА" МЧЖга тегишли Миробод тумани, Фитрат кўчаси 33/1-уйда жойлашган кўчмас мулк (нотураржой) биноси, 2001 йил 1-сонли давлат ордерга асосан эгалик ҳуқуқи билан 11-58/2001-реестр рақами билан давлат кадастр рўйхатидан ўтган. Умумий майдони 454 кв.м, 5 қаватли бинонинг 1-кавати қисми 1964 йилда қурилган. Бошланғич баҳоси 856.693.000 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 22 сентябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Xorazm ko`chmas mulk savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар Чилонзор филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000804935791001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101629. www.xkmss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890725-88-80.**

Лицензия №RR 0054

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 16.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ